

## УМУМИЙ ЎРТА МАКТАБЛАРИ ҚУЙИ СИНФЛАРИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖОБИЙ ЖИХАТЛАРИ

*Raxmatov O'Imas Umurboevich*

*O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY HARBIY AVIATSIYA BILIM YURTI  
JISMONIY TARBIYA VA SPORT KAFEDRASI O'QITUVCHISI*

*E-mail raxmatov@inbox.uz*

*Tel: +998(99)664-55-25*

### Аннотация

Ушбу мақолада қуйи синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришнинг илмий-педагогик жиҳатлари атрофлича очиб берилган. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда болалар билан ишлашда замонавий усул, техника ва инновацияларнинг қўлланилишига доир маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** бошланғич синф, ўқувчи, атроф-муҳит, ижобий муносабат, экологик таълим, экологик тарбия, экологик маданият, экологик лойиҳа.

Маълумки, Ўзбекистондаги барча мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини табиат ва атроф-муҳит билан таништиришиб борилиши тизимли йўлга қўйилган. Шу ўринда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев, «Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин».

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларнинг 70 фоизида экологик таълим учун махсус хоналар бор ва уларнинг 16 фоизида болалар табиатни парвариш қилишни ўрганадиган «Атроф-муҳит сўқмоқлари» ташкил қилинган. Ўзбекистонда барча бошланғич мактабларда атроф-муҳит мавзулари 1 ва 2 синфларда «Атрофимиздаги дунё» ва 3 ва 4 синфларда «Инсон ва табиат» фанларида ўтилади. Бироқ умумтаълим ва ўрта мактабларда айнан экология дарслари йўқ. Фақатгина атроф-муҳитга тегишли баъзи мавзулар табиий фанлар ва саломатлик ва соғлом турмуш тарзи фанлари мавзуларига сингдирилган. Шунингдек, биохилма-хиллик, инсон ва ер, сув – ҳаёт манбаи мавзуларида 5-дан 9-синфга қадар қўшимча ўқув материали сифатида қўлланмалар яратилган ҳалос. 2005 йилда «Бошланғич мактабда экологик таълим» методологик қўлланма ишлаб чиқилган бўлса, 2009 йилда 5-дан 9-синфгача ўқитувчилар учун «Инсон ва табиат» қўлланмаси чоп этилган.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришнинг асосий йўналиши – аниқ-образли тафаккурдан мавҳум-мантикий тафаккурга ўтиш ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш жараёни дастлаб билишнинг ҳиссий босқичида содир бўлади. Яъни бола атроф муҳит ҳақида дастлаб 5 та сезги аъзо орқали тасаввурга эга бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда тафаккур шакллари ҳам устувор аҳамият касб этади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда таснифлаш, таққослаш, ўхшатиш, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, тизимлаштириш ёрдамида амалга оширилади. Шундай қилиб, ўқувчиларда атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш тўғрисида доимий қайғуришга йўналтирилган ўқув фаолиятини ташкил этиш устувор аҳамият касб этади.

Афсуски бугунги кунда биз кундалик ишларга ва ташвишларга берилиб, тирик ва жонсиз табиат дунёси абадий эмаслигини, унга инсоният томонидан кўпроқ зарар кўрсатаётганлигини бевосита ҳис қилмаяпмиз. Бу жараён албатта болаликдан таълим ва тарбияни узвийлигини таъминлаш асосида олиб борилиши лозим. Бундан келиб чиқадики, экологик таълимнинг асослари ҳатто мактабгача ёшда болалар онги ва руҳиятига сингдириб бориш долзарб ҳисобланади. Шу ўринда экология сўзининг этимологиясига тўхталиб ўтсак. Экология сўзи юнонча oikos – «ватан, уй» ва logos – «фан, таълим» маъносидаги сўзлардан ташкил топган бўлиб, биргаликда яшайдиган тирик организмларнинг ўзаро ва теварак-атрофдаги муҳит билан муносабатини, шунингдек, олам ва биосфера ўртасидаги муносабат масалаларини ўрганувчи фан номини билдиради<sup>1</sup>.

Экологик тарбия, авваламбор, болаларни инсонпарварлик, хайрихоҳлик, ҳиссий муносабат ва уларнинг атрофидаги дунёга қизиқишини тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, атроф-муҳитни болага таъсири жуда катта. Чунки ҳар куни болалар у ёки бу шаклда атроф-муҳитдаги турли нарсалар ёки ҳодисалар билан алоқага киришадилар яъни улар қушларни, ҳашаротларни, ҳайвонларни, қишда, қор парчаларини, кузда, сарғайган барглари, ёмғирни кузатишади, табиат ҳақидаги шеърлар ва ҳикояларни тинглашади. Ва табиат ҳодисалари, ўсимликларга ғамхўрлик қилишни ўрганадилар. Табиат болаларни биринчи навбатда ўзининг гўзаллиги, рангларининг ёрқинлиги, хилма-хиллиги билан ўзига жалб қилади. Шу боисдан «Экологик тарбия мактабгача ёшда, мактаб даврида, мактабдан кейинги, маҳалла, меҳнат жамоаси ҳамда кексалик даврида турлича

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.25

мазмун, шакл ва методлар ҳамда ёндашувларда амалга оширилади»<sup>2</sup>. Болалар биринчи аниқ билим ва тажрибани ҳам шу табиатдан олади.

Атроф-муҳит билан бундай алоқа, бир томондан, боланинг ҳиссий тажрибасини бойитади, бошқа томондан, унинг тасаввурини кенгайтиради ва боланинг атроф-муҳит тўғрисида турли саволлари ва қизиқишларини пайдо бўлишига катта ёрдам беради. Болалар одатда жуда қизиқувчан, табиат ҳодисалари ва нарсаларига катта эътибор билан қарайдиган бўладилар. Бу эса ота-оналар ва ўқитувчилар учун болани атроф-муҳит тўғрисида янада кўпроқ билим олишлари учун муносиб шарт-шароит яратиб беришни тақозо этади. Ота-оналар ва ўқитувчилар олдида турган бундай вазифалар жумласига болаларда атроф-муҳит жонли ва жонсиз нарсаларга бўлган муҳаббат ва ҳурмат туйғусини ривожлантириш, уларнинг табиат ҳақидаги ўз тасаввурларини бойитиш, болага нафақат билим бериш балки ўз ҳиссиётларини эркин ифода этиш имкониятини бериш жуда муҳимдир. Шу боисдан ҳам бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш уларни ўзларини ва атрофида содир бўлаётган барча нарсани тўғри тушунишга ўргатади. Болаларнинг ўзи меҳр ва муҳаббатга муҳтож. Шу билан бирга, улар барча жонзотларга бефарқ ва беқиёс даражада ўзларининг меҳрларини беришга қодирдир. Қани энди улардаги бу меҳр-оқибатни сақлаб қолишни имкони бўлса. Бунинг учун аввало болаларни табиатда ҳам, одамлар орасида ҳам ўзини тўғри тутишга ўргатиш лозим. Боланинг меҳрибон, сабр-тоқатли, тинч ва осойишта бўлиб ўсиши ва бахтли бўлиши учун биз катталар болалик инсон ҳаётининг муҳим қисми эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда болалар билан ишлашда қўлланилиши мумкин бўлган баъзи усул ва методларни кўриб чиқишимиз эътиборга молик. Атроф-муҳитга ижобий муносабат нуқтаи назаридан метод - бу тарбиячи ва болаларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлиб, унинг давомида экологик билим, кўникмаларни шакллантириш қобилиятлари ва атроф-муҳитга муносабатни тарбиялаш жараёни самарали амалга ошириладиган усулдир. Атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришдаги техника эса бу муайян усулнинг ўзига хос элементидир.

Атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш усулини ташкил этадиган техникалар қанчалик бой ва хилма-хил бўлса, ўқув ва билим вазифаси шунчалик муваффақиятли ҳал қилинади. Шу боисдан ҳам Н.Ж.Исакулова «Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия беришда вариатив дидактик функцияларни қуйидагилардан иборат эканлигини алоҳида қайд этади:

<sup>2</sup> Исмоилов А., Аҳадов Р. Экологик таълим-тарбия. – Т.: «Ўқитувчи», 1997. -18-б.

- экологик мазмунда машқ бажариш, масалалар ечиш, диктинат ва баёнлар ёзишда қўшимча топшириқлардан фойдаланиш;
- экологик мазмундаги дарсларни фанлараро боғланишда турли услубларнинг бир нечтасидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;
- дарсдан ташқари машғулотларни ўқувчининг турли қизиқишлари асосида турли услублардан фойдаланиб олиб бориш;
- экологик мазмундаги тестларни ўтказишда мазмуннинг бир хиллигига эътибор берган ҳолда савол-жавоблар хилма-хиллигига эришиш;
- фанлараро экологик тарбия бериш юзасидан ўқувчи билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш хилма-хиллигини инобатга олиш. Мазкур вариатив дидактик функцияларнинг ҳар бири бажарилишида бир вақтнинг ўзида ҳар хилликка эришишга эътибор берилди»<sup>3</sup> деган эди.

Атроф-муҳит ҳақида фикрлашнинг асосий шакллари ва болалар фаолияти услубларига мувофиқ 4 та усул мавжуд:

1. Атроф-муҳит ҳақидаги визуал усуллар (кузатиш, намойиш қилиш, намойиш қилиш, текшириш). Визуал усуллар - ўсимликлар, ҳайвонлар, жонсиз ва тирик табиатнинг табиий ҳодисалари тўғрисида аниқ маълумот тўплашнинг энг мақбул усуллари дир. Унинг ёрдами билан бола нафақат объектларнинг ташқи параметрларини (ранги, тузилиши, хиди, шакли ва бошқалар), балки уларнинг атроф-муҳит билан алоқаларини ҳам ўрганади.

2. Атроф-муҳит ҳақидаги етарли даражада тасаввур ҳосил бўлиши учун оғзаки усуллар (суҳбат, ҳикоя, бадий адабиётни ўқиш усуллари: тушунтириш, кўрсатма, педагогик баҳо, савол, тушунтириш, масалан, уй гуллари ёки уй ҳайвонлари ҳақида ҳикоя тузиш) ҳам муҳим аҳамият касб этади.

3. Атроф-муҳит ҳақидаги муҳим тасаввурларни шаклланишида амалий усуллар ҳам қўл келади. Амалий усуллар бу турли машқлар, элементар тажрибалар, моделлаштириш, болалар тажрибасига, амалий вазиятларга, қидирув ҳаракатларига, сўровномаларга асосланиб, моделга мувофиқ иш тутишдир.

4. Ўйин усуллари эса бу атроф-муҳит ҳақидаги дидактик ўйинлар, ўйин ҳолати, ўйинчоқлар билан ҳаракатлар, ҳаракатларга тақлид қилиш, яшириш ва қидириш, очиқ майдонда ўйнаш, эпизодик ўйин техникаси, топишмоқлардан иборатдир. Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда экологик лойиҳалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Экологик лойиҳа - бу аввало тадқиқот жараёнида муайян вазифаларни ҳал этишдир. Экологик лойиҳаларнинг вазифалар кўлами ҳар хил бўлиши мумкин, у

<sup>3</sup> Исакулова Н.Ж. Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Тошкент.: 2012. -Б.17.

лойиханинг вақти, ёши ва шунга мос равишда болаларнинг имкониятлари, мактабгача таълим муассасасининг таълим дастурларининг мазмуни билан белгиланади (ҳар қандай лойиҳа умумий таълим майдонига мос келиши керак). Экологик лойиҳалар болалар фаолиятининг барча турлари ва барча таълим соҳаларини бирлаштиришни ўз ичига олади, шунинг учун лойиҳа фаолияти давлат ва жамият талабларига мувофиқ яратилади. Зеро, «...Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир»<sup>4</sup>.

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнидаги турли шакл ва усуллар болаларнинг ёш хусусиятларига қараб танланиши керак. Кичик ва ўрта мактабгача ёшдаги болалар, табиийки энг оддий кузатиш усулларидадан фойдаланадилар ва ўз тадқиқотлари натижаларини асосан расм ва қисса шаклида умумлаштирадилар. Болаларнинг ёши қанчалик катта бўлса, ўқитувчининг етакчилик роли шунчалик кам бўлади, тадқиқотнинг ҳажми эса шунчалик катта бўлади.

Экологик лойиҳаларни амалга оширишда ота-оналар иштирок этиши ҳам муҳим зарурат ҳисобланади. Бу, айниқса, болаларни ўз ота-оналари билан биргаликда ҳунармандчилик, расм чизиш ва биргаликда тажриба ўтказишда жуда муҳимдир. Шу боисдан ҳам ота-оналарни турли даражадаги танловлар ва кўргазмаларда фаол иштирок этиши жуда муҳимдир. Чунки ота-оналар ҳам ўз фарзандлари билан биргаликда турли даражадаги расмлар, фотосуратларни тўплайдилар ва фарзандлари билан биргаликда табиат маҳсулотларидан ҳунармандчилик буюмларини тайёрлайдилар. Бу жараёнда ҳар бир оиланинг фаол иштироки эътибордан четда қолмайди. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тарбияси барча оила аъзоларининг экологик маданиятини шакллантиришга қаратилган доимий тарбиялаш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.

Экологик лойиҳа натижалари турли хил кўргазмалар, байрамлар, кўнгилочар тадбирлар, ярмаркалар, китоблар ва буклетлар дизайни ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларида экологик маданиятни тарбиялаш ушбу йўналишдаги ишлар қуйидаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошади:

**1. Илмий.** Илмийлик принципи бошланғич синф ўқувчиларини дастлабки экологик билимлар билан таништиришни назарда тутаяди, улар боланинг ҳаракатлари учун мотивацияни шакллантириш, билимга қизиқишни ривожлантириш ва унинг дунёқараши асосларини шакллантириш учун асос бўлиб

<sup>4</sup> Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 13.

хизмат қилади. Ҳатто Ушинский ҳам «болалар учун фанни рад қилмасликни», яъни «илм-фаннинг турли соҳаларидан болага ва унинг дунёқарашини ривожлантиришга фойдали бўлиши мумкин бўлган хабарларни» тавсия қилади. Шу билан бирга, у таъкидлаганидек, бир томондан, илмий билимларни болаларнинг тушунчаси даражасига сунъий равишда туширмаслик керак, бошқа томондан, бошланғич синф ўқувчиларига уларнинг ақлий ривожланиш даражасидан юқори бўлган билимларни бермаслик керак.

2. **Мавжудлик принципи.** Маълум бир ёшдаги бола учун материалнинг мавжудлиги принципи жуда муҳимдир ва у илмий характер принципи билан чамбарчас боғлиқдир. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик таълимидан илмий атамаларни чиқариб ташлаш керак, аммо уларнинг баъзиларининг мазмуни болаларга тушунарли ва жозибали шаклда тушунтирилиши ҳам мумкин.

3. **Инсоният принципи.** Ушбу принцип биринчи навбатда экологик маданият тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Таълим нуқтаи назаридан уни қўллаш янги кадриятлар, истеъмол маданияти асосларига эга бўлган, ўз соғлиғига ғамхўрлик қиладиган ва соғлом турмуш тарзини олиб боришни хоҳлайдиган шахсни шакллантиришни англатади. Экологик таълимнинг мазмуни, шунингдек, боланинг табиатнинг бир қисми сифатида инсон тўғрисида ва табиатнинг ички кадриятлари ҳақидаги ғояларини шакллантиришга, сайёрамиздаги барча ҳаёт шакллариغا ҳурмат билан муносабатда бўлишга ёрдам бериши керак. Экологик таълим методикасини танлашда инсонпарварлик принципи ўқитиш ва тарбиялашнинг авторитар моделидан шахсга йўналтирилган моделга, катталар ва бола ўртасидаги ҳамкорлик педагогикасига, ўқитишни интерактив шаклига ўтишни англатади.

4. **Башорат қилиш принципи.** Башорат қилиш принципи одатларни ўстиришни ва баъзи бир кундалик ҳаракатларни атроф-муҳит билан боғлиқ ҳолда баҳолашни, табиатга зарар етказадиган бўлса, ўз хоҳиш-истакларини чеклашни ўз ичига олади.

5. **Фаолият принципи.** Фаолиятга асосланган ёндашув мактабгача ёшдаги болалар учун экологик таълимнинг асосини ташкил этади. Бола ўқув жараёнида ўрганадиган экологик билим унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича турли хил амалга ошириладиган тадбирларда фаол иштирок этиш мотивациясини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фаолият принципи турли хил экологик лойиҳаларнинг марказида жойлашади.

6. **Интеграция принципи.** Интеграция принципи боланинг турли хил фаолиятларини экологлаштиришни назарда тутади.

7. **Изчиллик принципи.** Изчиллик принципи (ҳар бир кейинги шаклланаётган ғоя ёки концепция олдингисидан келиб чиқади ва бутун тизим

унинг марказий ядроси вазифасини бажарадиган маълум бир бошланғич позицияларга таянади) бўлса, билимларни кетма-кет ўзлаштиришдир.

Болаларни табиат билан таништириш жуда ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Бу, бир томондан, расмий мантикнинг қатъий доирасига мос келмаслиги билан боғлиқ. Бошқа томондан, бола доимо катталар табиат ҳодисалари, нарсаларга нисбатан элементар нормалар ва хатти-ҳаракатлар қоидаларини қандай бузаётганини кўради: дарахт шохларини синдириш, ахлатларни дам олиш жойларида қолдириш шулар жумласидандир. Бундай ҳолларда, агар бола бунга эътибор берган бўлса, сиз унга катталар нотўғри иш қилаётганини ўз вақтида айтишингиз керак бўлади. Инсон табиат бойликларидан оқилона ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиши керак, шундагина табиат ҳам инсонни сахийлик билан мукофотлайди. Шу боисдан ҳам боланинг экологик маданиятини тарбиялашга қаратилган барча ҳаракатлар катталарни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Бугунги кунда экологик таълим долзарб муаммоларни ҳал этишда устувор аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда нега айнан бугунги кунда экологик таълим ва тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда? Деган ўринли савол туғилади. Одамларнинг билимсизлиги атроф муҳитни бузилишига олиб келмоқда, натижада ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим турлари йўқ бўлиб кетмоқда, бу эса экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади албатта.

Экологик таълим - бу маънавият, ақл, ахлоқ тарбияси бўлиб, уни энг кичик ёшдан бошлаш талаб этилади. Табиат болага турли товушлар, ҳидлар орқали катта таъсир кўрсатиб уни нафақат қувонтиради ёки ҳайратга солади балки уни атрофдаги олам гўзаллиги ҳақида туйғуларини тарбиялайди. Болани ўз атрофидаги гўзалликни кўришга ўргатиш, унга жонли ва жонсиз табиат тўғрисида, сайёрамизнинг келажаги боғлиқ бўлган энг ақлли мавжудот сифатида инсоннинг роли тўғрисида элементар ғоялар беришдан бошланади. Бу жараёнда ўқитувчи олдида турган вазифалар қуйидагилардан иборат бўлади:

1. **Ахлоқий тарбия.** Яқин атроф-муҳит билан танишиш асосида атроф-муҳитга нисбатан инсонпарвар, эмоционал ижобий, ғамхўр муносабатни тарбиялаш айнан ахлоқий тарбия асосида амалга ошади. Шунингдек, бу жараёнда боладаги атрофдаги олам гўзаллигини кўриш қобилиятини тарбиялаш; табиат объектларига нисбатан хушёқшни ривожлантириш ҳам устувор аҳамият касб этади.

2. **Интеллектуал ривожланиш.** Бу жараёнда болаларда жонли ва жонсиз табиат ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, табиатдаги муносабатлар тўғрисида элементар ғояларни шакллантириш; уларнинг баъзи ҳаракатларининг атроф-муҳит билан боғлиқ оқибатларини олдиндан билиш қобилияти, болалар орасида табиатдаги тирик мавжудотларнинг

аҳамиятини тушунишга ёрдам бериш; табиатни асраб қолиш истагини тарбиялаш ва агар керак бўлса, унга ёрдам бериш (жонли нарсаларга ғамхўрлик қилиш) жараёни бу интеллектуал ривожланиш босқичида алоҳида ўринни эгаллайди.

3. **Эстетик ҳиссиётларни ривожлантириш** босқичида табиатнинг гўзаллигини кўриш ва ҳис қилиш қобилияти, унга қойил қолиш, уни асраб қолиш истаги устувор ўринни эгаллайди.

4. **Мактабгача ёшдаги болаларни дунё билан таништириш** жараёнида тирик объектлар билан амалий фаолият, кузатувлар, тажрибалар, тадқиқот ишлари ва дидактик материаллар билан ишлаш орқали экологик маданият асосларини шакллантириш мумкин бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш вазифасини амалга ошириш тамойиллари қуйидагилардан иборат: материал ҳажмини босқичма-босқич ошириш; табиий муҳитдан бирламчи фойдаланиш: болалар боғчаси ва мактаб, маҳалла ҳудудларининг яшил майдонидаги ўсимликлар ва ҳайвонлар; болаларни сезгир таассуротларининг хилма-хиллигига, сўнгра аниқ ғояларга, кейин ғояларни умумлаштиришга ўтиш; амалий фаолиятнинг ҳар хил турларидан кенг фойдаланиш; болаларда қизиқиш ва ижобий ҳис-туйғуларни уйғотадиган методлардан фойдаланган ҳолда когнитив материалларни тақдим этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Н.Ж.Исақулова фикрича, «Атрофимиздаги табиат ҳақидаги билимлар қуйидагича ўзлаштирилади:

- жонли, жонсиз табиатнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи;
- табиат жисмлари ва уларнинг хусусиятлари;
- табиат компонентлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги;
- табиат ҳодисалари ва уларнинг таъсири;
- коинот ва унинг Ер сайёраси билан алоқадорлиги;
- Ўзбекистон табиати ва уни муҳофаза қилиш;
- атрофимиздаги табиатга оқилона муносабатларни шакллантириш;
- ҳайвон ва ўсимликлар иштирокида машқ-масалалар ечиш, расм ва ҳайкалларга ишлов бериш, ижодий топшириқ ва муаммоли саволларни ҳал этиш»<sup>5</sup>.

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш экологик таълимсиз амалга ошмайди. Масалан, синфда табиат бурчаги яратилди, у ерда гулларга ғамхўрлик қилиш пайтида болалар гулларни тўғри парвариш қилиш қобилиятига эга бўладилар, ҳар бир гул ўзига хос гўзаллиги ва ғамхўрликка муҳтожлигини билиб оладилар. Амалий фаолиятда болаларнинг индивидуал намоён бўлиши уларнинг экологик тарбияси ва

<sup>5</sup> Исақулова Н.Ж. Экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. // Узлуксиз таълим тизимида инновацион педагогик технологиялар. Мақолалар тўплами. – Т.: «Extremum press», 2010. –Б.40.

маданияти даражасининг кўрсаткичидир. Одатда биз болаларнинг эътиборини гулзорларга, дарахтларга, қушларга, йилнинг турли вақтларида содир бўладиган ўзгаришларга қаратамиз. Болалар ўқитувчи ёрдамида куннинг давомийлиги, об-ҳаво, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётидаги ўзгаришлар тўғрисида хулоса чиқарадилар. Шунингдек, болаларда когнитив қизиқишни ривожлантириш учун кум, ер, лой, қор, муз, сув хусусиятлари билан танишиш бўйича муҳим тажрибалар ўтказилади. Бундай тажриба асосида биз кузатилган ҳодисанинг сабабини очиб берамиз, болаларни мустақил фикр ва хулосалар чиқаришга ўргатамиз. Бу жараёнда табиий материаллар билан ўйинлар ташкил этилади. Шунингдек, сайр қилиш пайтида дидактик ўйинлар ўтказилади, масалан: «Мевага ном беринг», «Мавсумлар», «Таърифи бўйича топинг», «Бу содир бўлганда» ва бошқалар. Шамол билан ишлайдиган ўйинчоқлар ёрдамида биз шамол йўналиши ва унинг кучини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Биз ўқувчиларда атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда бадиий адабиётдан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Табиат ҳақидаги бадиий-фалсафий ғоялар болалар ҳиссиётларига чуқур таъсир қилади. Булар Худойберди Тўхтабаев, Абдулла Суюмов, Тухта Бобоев, Хакимжон Каримов, Баходир Саримсоков, Сафо Очил, Қозоқбой Йулдошев, Саид Алимов, Аскар Зуннунов, Хамидулла Болтабоев, Тулан Низом ва бошқаларнинг асарларида ёрқин ифодаланган. Болалар билан бу бадиий адабиёт дурдоналарини ўқиганимиздан сўнг, биз улар билан яқиндан суҳбат ўтказамиз, саволлар берамиз. Бу суҳбат асносида болалар атроф-муҳитдаги гўзаллик, қувонч, завқни ифода этадилар. Болаларга ғамхўрлик ва муҳаббат намоён бўладиган саволларни беришлари жуда ёқимлидир: «Уни кимдир қутқармайдими?», «Ва улар музлаб қолмайдими?», «Нега унга ҳеч ким ёрдам бермади?» каби саволлар орқали биз болаларга ишнинг мазмун-моҳиятини етказишга ҳаракат қиламиз. Гуруҳ болаларга маълум бўлган «Она ватан табиатининг билимдонлари», «Табиатни асранг», «Қушлар куни» викториналарини, интеллектуал ўйинларини ўтказиш ҳам бу жараёнда муҳим ҳисобланади.

Хуллас, бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда байрамлар ва ўйин-кулгиларнинг роли катта. Бу каби байрамларда таниш бўлган мусиқа асарлари, шеърларни ёдлаш ва янгиларини яратиш жуда муҳимдир. Болаларга экологик таълим бериш бўйича ота-оналар билан ишлашда анъанавий шакллардан фойдаланилади (ота-оналар йиғилишлари, консультациялар, суҳбатлар). Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим: «Дарахт экинг», «Қушларга ёрдам беринг», «Она Ватан табиатини асрайлик». Бундай аксияларда болалар ота-оналари билан биргаликда фаолият олиб бориш имкониятига эга бўладилар. Болалар учун ота-оналарининг ўрни ва табиатига муносабати жуда муҳимдир. Шундай қилиб, комплекс ёндашувни

муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шарти - бу катталар шахсий намунаси билан болаларга табиатга тўғри муносабатни намоёниш этадиган ва ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда табиатни муҳофаза қилишда фаол иштирок этадиган муҳитни яратишдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. – Б. 570.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.25
3. Исмоилов А., Аҳадов Р. Экологик таълим-тарбия. – Т.: «Ўқитувчи», 1997. -18-б.
4. **Исакулова Н.Ж. Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент.: 2012. –Б.17.**
5. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 13.
6. Исакулова Н.Ж. Экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. // Узлуксиз таълим тизимида инновацион педагогик технологиялар. Мақолалар тўплами. – Т.: «Extremum press», 2010. –Б.40.